

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

КАРИМОВА НАРГИЗА МАНСУРОВНА

**БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРДА БУРУН-ҲАЛҚУМ ҲАВФЛИ
ЎСМАЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ВА
МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ)**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Каримова Наргиза Мансуровна

Болалар ва ўсмирлар бурун-халқум ҳавфли
ўсмаларини ташхислаш ва даволашни
такомиллаштириш (клиник-иммунологик
ва молекуляр-генетик жихатлари).....

3

Каримова Наргиза Мансуровна

Совершенствование диагностики и лечения
злокачественных опухолей носоглотки
у детей и подростков (клинико-иммунологические
и молекулярно-генетические аспекты).....

24

Karimova Nargiza Mansurovna

Nasopharyngeal malignant tumor
diagnostics and treatment improvement
(clinic-immunologic and molecular-genetic issues).....

44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

47

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

КАРИМОВА НАРГИЗА МАНСУРОВНА

**БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРДА БУРУН-ҲАЛҚУМ ҲАВФЛИ
ЎСМАЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ВА
МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ)**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib932 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Полатова Джамила Шагайратовна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Мухамедаминов Шухрат Каримджанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Махамадаминова Шоира Абдувалиевна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

П.А. Герцен номидаги Москва илмий тадқиқот онкология институти (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; (+99871) 246-15-96; e-mail: info@ronc.uz, cancercenter.uz, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 246-05-13; факс: (+99871) 246-15-96.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М. Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А. А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М. Х. Ходжибеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда «...болалардаги бурун-ҳалқум хавфли ўсмалари болалик ёшидаги барча хавфли ўсмаларнинг 1-3%ини ва бош ҳамда бўйиндаги хавфли ўсмаларнинг 10-12%ини ташкил этади....»¹. Ташқи жойлашишига қарамасдан «...95% беморлар касалхонага касалликни III-IV босқичида хавфли ўсмани тарқалиш жараёни билан келиб тушадилар, бу ўтказиладиган даволаш натижаларига салбий таъсир кўрсатади....»². Болалардаги томоқ ҳалқум хавфли ўсмаси тажоввузкор кечиши билан тавсифланади ва лимфа тугунлари, ўпка, жигар, суякларни шикастланишига олиб келади. Болалар ва ўсмирларда бурун-ҳалқум хавфли ўсмасини жуда кам учраши билан боғлиқ ҳолда бу тоифа беморларини ташхислаш ва даволашга ягона ёндошув ишлаб чиқилмаган. Иммуни статусни бузилиши ва уни коррекцияси, шунингдек, Эпштейн-Барр вирусини (ЭБВ) касалликни клиник кечишига, ўтказилаётган даволаш самарадорлигига, шунингдек, болалик ёшида бурун-ҳалқум хавфли ўсмаси билан хасталанган беморларда башоратлашга кўрсатадиган таъсирига оид масалалар жуда кам миқдорда ўрганилганлиги бугунги кунда ҳал қилиниш зарур бўлган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда болалар ва ўсмирларда бурун ҳалқум хавфли ўсмаларни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш (клиник-имунологик ва молекуляр-генетик жиҳатлари баҳолаш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада болалар ва ўсмирлардаги бурун-ҳалқум хавфли ўсмалари билан хасталанган беморларда организмнинг иммуни тизимидаги ўзгаришларни асослашдан иборат. Бурун-ҳалқум хавфли ўсмалари ташхисланган болалар ва ўсмирларда Эпштейн-Барр вирусининг экспрессияси, шунингдек, касалликни клиник кечиши ва иммунологик кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион алоқадорлиги ҳамда бурун-ҳалқум хавфли ўсмалари билан ассоцирланган Эпштейн-Барр вирусини комбинациялашган вирусга қарши даволашдаги ўрни ва аҳамиятини асослашдан иборат. Эпштейн-Барр вирус экспрессиясини даражаси ва организмнинг иммунологик статуси кўрсаткичларини ҳисобга олиб болалар ва ўсмирлардаги бурун-ҳалқум хавфли ўсмасини нурли даволаш тартибини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, болалар ва ўсмирлар орасида юзага келадиган турли ўсма касалликларни олдини олиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом

¹ Stewart, B.W. and Wild, C.P. World Cancer Report 2014. International Agency for Research on Cancer, Lyon.

²Ferlay J., Soerjomataram I., Ervic M., et al Estimating the global cancer incidence and mortality in 2018: GLOBOCAN sources and methods // Int J Cancer – 2019. – Т. 144. – №. 8. – С. 1941-1953.

турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг бажарилиши болалар ва ўсмирларда бурун халқум хавфли ўсмаларни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш орқали ногиронлик ва ўлим даражасини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилиш даражаси. БХЎни лимфоген ва гемотаген тарқалишига бўлган юқори мойиллиги шунга олиб келадикки, даволаш тугагандан сўнг дастлабки биринчи йилда хавфли ўсма жараёнини генерализацияси ҳатто касалликни энг эрта даврларида ҳам беморларнинг учдан бир қисмида ташхисланади. Турли манбаларга мос ҳолда, даволаш самарадорлиги кимёвий воситалар билан даволашнинг мос схемаларини йўллаш билан ҳам, фракционлаш ва модификаторлар режимида нурлантиришнинг оптималлаштирилган дастурларини қўллаш билан ҳам аниқланади. Кимёвий-нурли даволашдан сўнг бевосита хавфли ўсмани тўлиқ олиб ташлаш 70%дан кўп ҳолатларда кузатилади, бироқ захарли стандарт кимёвий усул билан даволаш маҳаллий ва умумий нурли реакцияларни оғирлаштиради (Тео Р.М, Ма В.В, Chan А.Т., 2004). Бунда, нурли даволашни қўллаш, нурлантиришнинг оптимал миқдори, унинг ритми, хавфли ўсма қисмларини жарроҳлик йўли билан бирламчи олиб ташлашнинг бевосита натижаларига таъсири, даволашнинг узок оқибатлари (нурланиш асоратлари, касалликни қайтланиши) ушбу барча масалалар халигача муҳокама доирасида қолмоқда.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида бош ва бўйин хавфли ўсмаларини ташхислаш ва даволаш соҳасида қатор илмий-тадқиқот ишлари бажарилган: юқори жағ, бурун коваги ва бурун олди бўшлиқлари хавфли ўсмаларини маҳаллий тарқалишини мажмуавий даволашни такомиллаштириш (А.И. Хасанов, 2012), бурун-ҳалқумнинг ангиофибриномаларини ташхислаш ва даволашнинг клиник-патогенетик ўзига хосликлари (О.Б. Абдурахманов 2016), бироқ, бурун-ҳалқум хавфли ўсмасини ташхислаш ва даволашнинг иммунологик ҳамда молекуляр-генетик жиҳатлари ўрганилмаган.

Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, болалар ва ўсмирлардаги бурун-ҳалқум хавфли ўсмасини Эпштейн-Барр вируси билан ўзаро алоқасини тадқиқ қилиш, серологик, хавфли ўсманинг морфологик вариантлари, касалликни клиник кечиши ва башоратлашни ўзига хосликларини, бурун-ҳалқум хавфли ўсмасини самарали ташхислаш ва даволаш муаммоларини ўрганишда истиқболли илмий асосланган йўналишни ташкил этади. Бундан ташқари, адабиёт маълумотларига мос ҳолда бурун-ҳалқум хавфли ўсмаларида иммун тизим сезиларли ўзгаришларга учрайди, у йирингли-яллиғланиш асоратларини ривожланишини белгилаб беради. Бироқ бизлар оммавий адабиёт манбаларида айнан бурун-ҳалқум хавфли ўсмаси билан хасталанган беморларда иммун статусни ўзгаришига бағишланган илмий ишларни топмадик.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ССВ-АД 058 «Болалар ва ўсмирларда бурун-ҳалқум хавфли ўсмасини ташхислаш ва даволашга мажмуавий қиёсий ёндошувни ишлаб чиқиш (клиник-молекуляр-генетик аспектлар)» мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган ((2014–2018)).

Тадқиқотнинг мақсасади иммунологик ўзгаришлар ва Эпштейн-Барр вирус экспрессияси даражасини ҳисобга олиш билан болалар ва ўсмирлардаги бурун-ҳалқум хавфли ўсмасини мажмуавий ташхислаш ва даволаш тартибини такомиллаштириш учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болалар ва ўсмирлардаги бурун-ҳалқум хавфли ўсмалари билан хасталанган беморларда организмнинг иммун тизимидаги ўзгаришларни баҳолаш;

бурун-ҳалқум хавфли ўсмалари бўлган болалар ва ўсмирларда Эпштейн-Барр вирусининг экспрессияси, шунингдек, касалликни клиник кечиши ва иммунологик кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион алоқадорлигини баҳолаш;

болалар ва ўсмирлардаги бурун-ҳалқум хавфли ўсмалари билан ассоцирланган Эпштейн-Барр вирусини комбинациялашган даволашда вирусга қарши даволашдаги ўрни ва аҳамиятини баҳолаш;

Эпштейн-Барр вирус экспрессиясини даражаси ва организмнинг иммунологик статуси кўрсаткичларини ҳисобга олиш билан болалар ва ўсмирлардаги бурун-ҳалқум хавфли ўсмасини нурли даволаш усулини такомиллаштириш;

Эпштейн-Барр вирус экспрессиясини даражаси ва организмнинг иммунологик статуси кўрсаткичларини ҳисобга олиш билан болалар ва ўсмирлардаги бурун-ҳалқум хавфли ўсмалари билан хасталанган беморларни ташхислаш ва даволаш алгоритмларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2000 йилдан 2019 йилгача Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида мажмуавий текшириш ва даволашда бўлган 140 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети клиник-лаборатор, лимфа тугунларининг ҳолати ва ўсмианинг тарқалиш жараёни, хужайра ва гуморал иммунитет, CD23+, CD25+, CD38+, CD95+ ва Эпштейн-Барр вирус таъсир материаллари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда нурли, патогистологик, иммунологик, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гуморал бўғиннинг мос бўлмаган фаоллашиши, турли фракциядаги иммуноглобулинларнинг депрессияси, шунингдек, иммун бошқарув индексини пасайиши ҳисобига хужайра иммунитет мувозанатини бузилиши билан намоён бўлувчи бурун ҳалқум хавфли ўсмалари бўлган болалар ва ўсмирлардаги иммунитет ўзгаришларини IgG концентрациясининг ўсишини специфик ўзига хосликлари асосланган;

бурун ҳалқумнинг хавфли ўсмалари бўлган болалар ва ўсмирларда Эпштейн-Барр вирусининг юқори экспрессияси, тажаввузкор клиник кечиш ва нохуш башоратлаш ўртасида тўғри юқори RR+12,3 корреляцион алоқадорлиги исботланган;

Эпштейн-Барр вирус титрини пасайиши, умумий яшовчанлик ва қайталанишларсиз яхшиланиш билан акс этган болалар ва ўсмирлардаги бурун-ҳалқумнинг хавфли ўсмалари бўлган вирус-ассоциацияланган беморларда вирусларга қарши даволашда вирус юкламаларнинг прогресси-ясиз ҳамда умумий яшовчанлик даражаси исботланган;

лимфаоқимнинг тарқалиш соҳалари ва бирламчи хавфли ўсмага бир вақтида таъсир этишда 6-соатлик фарқ билан ҳар куни икки марта нурлантиришдан иборат бўлган мультифракцион тартибни қўллаш билан нурли даволаш тартиби такомиллаштирилган;

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

вирусларга қарши даволашни қўллаш билан утказиладиган биргаликдаги даволаш тартибига бурун-ҳалқумнинг ҳавфли ўсмаси бўлган болалар ва ўсмирларни даволашни узоқ ва яқин натижаларини ижобий баҳолаган;

мультифракциялаш тартибини қўллаш билан ишлаб чиқилган нурли даволаш усули, ҳавфли ўсма тўқимасига энг юқори таъсир ва атрофни ўраб турган меъерий тўқималарга энг кичик таъсир билан нурлантиришни конформлиги баҳолаган;

ташхислаш ва даволашни ишлаб чиқилган алгоритми Эпштейн вируси экспрессияси даражаси ва организмнинг иммунологик статуси натижалари асосида даволаш усулларини танлаб олиш ҳамда эрта ташхислаш тартиби татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи нурли, патогистологик, иммунологик, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларида болалар ва ўсмирларда бурун ҳалқум ҳавфли ўсмаларни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, ҳулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, унинг натижалари ва ҳулосалари болалар ва ўсмирларда бурун-ҳалқум ҳавфли ўсмаларини ташхислаш ва даволаш мажмуаси муаммосини ўрганишга ўзининг салмоқли хиссасини қўшади. Бурун-ҳалқумнинг ҳавфли ўсмаларида нурли даволашнинг таклиф этилган усули ва вирусларга қарши даволашни қўллаш самарадорлиги исботланди. Бурун-ҳалқумнинг ҳавфли ўсмалари билан оғриган болалар ва ўсмирларда Эпштейн -Барр вирусини башоратлаш ва предиктив ўрини исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти иммунологик статусни, шунингдек Эпштейн-Барр вируси ва экспрессиясини аниқлаш усулини амалиётга жорий этишдан иборат бўлиб, бу беморларни тўғри юритиш тактикасини танлаб олиш ва уларни башоратини аниқлаш, вирусларга қарши даволашни қўллаш билан ишлаб чиқилган биргаликда даволаш схемаси бурун-ҳалқумнинг ҳавфли ўсмалари билан хасталанган беморларни даволашни яқин ва узоқ натижаларини яхшилаш, ишлаб чиқилган нурли даволаш усули, нурланиш рекациялари ва асоратларини энг кам бўлиши билан нурланишнинг энг юқори конформлигига эришиш, ташхислаш ва даволаш алгоритм беморларни юритишни ташхислаш ва даволаш босқичларини оптималлаштиришга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болалар ва ўсмирларда бурун ҳалқум ҳавфли ўсмаларни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Болалар ва ўсмирларда бурун-ҳалқумнинг хавфли ўсмаларини клиник-иммунологик жиҳатлари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 8н-д/203-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома бурун-ҳалқумнинг хавфли ўсмаларини клиник-иммунологик жиҳатларини ўзига хос хусусиятлари баҳолаш, ташхислашнинг самарадорлигини ошириш, касалликларни ўз вақтида самарали даволаш тартибини тизимли ташкиллаштириш, даволашнинг умумий давомийлигини кискартириш, асоратлар ва ўлим даражасининг сонини камайтириш имконини берган;

Болалар ва ўсмирларда бурун халқум хавфли ўсмаларни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш асосида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт марказининг Бухоро ва Самарқанд вилояти филиалининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 28 январдаги 8н–з/23–сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши бурун-ҳалқумнинг хавфли ўсмалари билан ассоцирланган Эпштейн-Барр вируси, манфий хавфли ўсма Эпштейн-Барр вируси билан солиштирилганда нохуш башоратлаш, юқори вирус юкламали вирусга қарши даволашни қўлланилиши 1, 3 ва 5 йиллик яшовчанлик даражасини узайиши тартибини жорий қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот

натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болалар ва ўсмирларда бурун-ҳалқум хавфли ўсмасини ташхислаш ва даволаш, клиник кечишини ўзига хосликлари**» деб номланган биринчи боби тўртта кичик бобдан ташкил топган адабиётлар тахлилига бағишланган, унда болалар ва ўсмирлардаги бурун-ҳалқумнинг хавфли ўсмаларини ташхислаш, даволаш ва башоратлаш эпидемиологияси тўғрисидаги хорижий илмий адабиётларининг маълумотлари тахлил қилинган. Адабиётлар тахлилида Эпштейн-Барр вирусини (ЭБВ) даволаш ва башоратлаш кам ўрганилганлиги, болалар ва ўсмирлардаги бурун-ҳалқумнинг хавфли ўсма нурли даволашнинг янги усулларини излаш зарурияти келтирилган. Даволашнинг янги усулларини илмий жихатдан излаш долзарблиги, юқори конформликка эга бўлган нурли даволашни такомиллаштириш тўғрисидаги хулосалар берилган.

Диссертациянинг «**Бурун-ҳалқумнинг хавфли ўсмалари билан хасталанган болалар ва ўсмирларни ташхислаш ҳамда даволаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган беморларни тавсифлаш, тадқиқотда қўлланилган усуллар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Бизнинг тадқиқотларимиз 2000 йилдан 2019 йиллар орасида РИО ва РИАТМ шароитида комбинациялашган даволанишда бурун-ҳалқумида хавфли ўсмаси бўлган, 140 нафар беморлар устида олиб борилган клиник кузатишларга асослангандир. Улар орасида ўғил болалар -104 (74,3%), қизлар- 36 (25,7%) ни ташкил этди. Беморларнинг ўртача ёши $14,5 \pm 2,4$ ни ташкил этди. Бурун-ҳалқумининг хавфли ўсмаси энг кўп 11 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларда (39,3%) ва ўсмирларда (43,6%) кузатилди. Бурун-ҳалқумида хавфли ўсмали 92 нафар беморларда (65,7%) касаллик давомийлиги 10 ойдан кўпни ташкил этди, 32 нафарида (22,86%) бир ойгачани, 16 нафарида эса (11,4%) 3 ойгачани ташкил этди.


Болалар ва ўсмирлардаги бурун-ҳалқумнинг хавфли ўсмаларидан энг кўп дифференциялашмаган хавфли ўсма (65%) учраса, эстеziонейробластома энг кам (8,6%) ҳолатда учрайди. Бу ерда жойлашган ўсмани юқори хавфлилиги ва инфилтратив тавсифи, жараёни кўшни орган ва тўқима тузилмаларига тарқалишга сабаб бўлади, бу эса бизнинг маълумотларимиз бўйича беморларининг деярли кўпида (42,1%) кузатилади.

Кўпинча хавфли ўсма жараёнини бурун бўшлиғига (15%) ва оғиз-ҳалқумга (18,6%) тарқалиши кузатилади.

Беморлар қўлланилган даволаш усулига боғлиқ ҳолда 4 гуруҳга тақсимланди. Тадқиқотнинг мос бўлган натижаларини олиш мақсадида хавфли ўсмани жойлашган ўрни, беморларнинг ёши ва касаллик босқичи ўзаро қиёсий бўлган беморлар гуруҳида текширишлар ўтказилди: 1 гуруҳда 22 нафар беморларда стандарт усулда нурли терапия+VACM схемаси бўйича кимё терапияси ўтказилган; 2 гуруҳ-бизлар томонимиздан махсус бурун-ҳалқумнинг хавфли ўсмаларини даволаш учун ишлаб чиқилган нурли даволаш усули+VCAp+P схемаси бўйича кимёвий даволаш усули

қўлланилган 28 нафар беморлар; 3 гуруҳ-ЭБВ мусбат бўлган 70 нафар бемордан ташкил топган бўлиб, уларга VCAP+P схемаси буйича кимё-нурли даволаш ва қўшимча равишда иммун ҳамда вирусларга қарши даволашлар ўтказилди; 4 гуруҳ- ЭБВ манфий бўлган 20 нафар беморлардан ташкил топган бўлиб, VCAP+P схемаси буйича кимё-нурли даволаш ўтказилди.

Беморларни нурли даволаш мультифракционирлаш тартибида кунлик миқдорини 6 соатлик оралиқ билан иккита сеансга бўлиш билан ўтказилди. Даволашнинг биринчи сеанси бир марталик ўчоқли дозада (БМЎД) 1,8 Грейни (Гр) маҳаллий лимфа оқим соҳасига бир вақтда таъсир этиш билан ёнбош бўйин-чакка шакли майдонларида ўтказилди. Иккинчи сеанс бирламчи хавфли ўсмани қамраб олиш (GTV) + БМЎДни 0,6 Гр миқдорда 2 см қамраб олиниши билан қисқартирилган майдонда ўтказилди.



1-расм. Хавфли ўсмани жойлашган даражасини топоетрик кесими ва нурлантириш соҳасида режалаштириш жараёни

41,4 Гр билан самарасиз йиғинди ўчоқли миқдорга (ЙЎД) эришилгандан сўнг қолдиқ хавфли ўсмани БМЎД 1,2 Гр кунига 2 мартани ЙОД 66-72 Гр маҳаллий нурлантириш ўтказилди. Нурлантиришни бутун курси 72 Гр ташкил этиб, 5,5 ҳафта давом этди. Иммунологик ва молекуляр-генетик тадқиқотлар ЎзР ФА иммунология ва инсон геномикаси институтининг иммунопатология ва иммунофармакология лабораторияларида ўтказилди. Бунда периферик қондаги хужайра ва гуморал иммунитетининг популяцияси тадқиқ қилинди. Т- ва В лимфоцитларнинг миқдори лимфоцитларнинг умумий сонини фоизларига нисбатан акс эттирилди, Т-супрессорлар ва Т-хелперлар эса Т-хужайралари сонининг фоизларига нисбатан ҳисобланди. Иммунологик параметрларни ўрганиш мақсадида беморлар иммун танқислик ҳолатини мавжудлигига текширувдан ўтказилди. Тест-тизимлар индиктор ферменти сифатида ерқалампир пероксидазларни қўллаш билан уч босқичли иммунофермент таҳлил-сэндвич усулига асосланган. Натижаларни миқдорий баҳолаш стандарт антиген учун

концентрациядан оптик зичлик боғлиқлигини акс эттирувчи дастурларни қўллаш билан ўтказилди. Мазкур тест - тизимларни қўллашда усулнинг сезувчанлиги - 2-30 пг/мл.

Иммунитетнинг хужайра гуморал бўғинларини аниқлаш, шунингдек активацион маркерлар CD23+, CD25+, CD38+, CD95+ ни ажратиб олиш ЎзР ФВ Иммунология институти ва РФ ССВ Иммунология институти томонидан ишлаб чиқилган услубий тавсияларга мос холда МКАТни қўллаш билан ўтказилди.

Мос холда CD4+ - Т-хелперлар, CD8+ - Т-цитотоксик лимфоцитлар, CD16+, CD56+ - табиий киллер хужайралар, CD20+ - В-лимфоцитлар, CD23+ - Е иммуноглобулинига нисбатан рецепторлар билан лимфоцитлар, CD25+ - интерлейкин-2 рецептори билан лимфоцитлар, CD38+ - Т- ва В-лимфоцитларнинг ўтмишдошлари, CD95+ - физиологик апоптозга нисбатан рецепторли лимфоцитлар аниқланди.

Иммунитетнинг В тизимини функционал ҳолати Россиянинг Вектор - Бест тизимлари иммуноферментатив таҳлил усуллари ёрдамида IgG, IgA, IgM асосий синф зардоб иммуноглобулинларини аниқлаш йўли билан баҳоланди.

«Stat-Fax» (АҚШ) анализаторида айланиб юрувчи иммун мажмуаларининг (АЮИМ) турли катталикларини ИФА усули билан аниқлаш ЎзР ФА Иммунология институтининг иммуноцитокинлар лабораториясида ўтказилди. АЮИМларининг ўлчамлари ПЭГнинг турли концентрацияларини қўллаш билан ўтказилди.

ЭБВни иштирок этишини тадқиқ этиш ЎзР ФА Иммунология ва инсон геномикаси институтининг иммунопатология ва иммунофармакология лабораторияларида ўтказилди.

Вирусологик тадқиқотлар ўз ичига қуйидагиларни олади: ВЭБ серологик маркерларини «Вектор-Бест» тижорат тест-тизимларини қўллаш билан иммуноферментатив таҳлил (ИФТ) усули орқали ва беморларнинг периферик қонини полимераза занжирли реакциялари (ПЗР) ёрдамида ўрганиш (Россия).

ЭБВ маркерларини ажратишни серологик усули ИФТ усули асосида ЭБВ антигенларига антителоларни аниқлашга асосланган. Усулнинг сезувчанлиги 2,7 нг/мл ни ташкил этади. Россиянинг «Вектор-Бест» тест-тизимидан фойдаланилди. ПЗР тадқиқотларини ўтказиш учун Россиянинг «ДНК- технология» тест тизимлари қўлланилди.

Диссертациянинг «**Бурун-халқумнинг хавфли ўсмалари бўлган болалар ва ўсмирларда касалликни клиник намоён бўлиши ва лаборатор-инструментал усулларни қўллаш билан ташхислаш натижаларининг таҳлили**» деб номланган учинчи бобида ЭБВси экспрессиясига боғлиқ холда болалар ва ўсмирлардаги хавфли ўсмаларнинг клиник кечишининг ўзига хосликлари, ЭБВ экспрессиясининг ўзига хослиги, бурун-халқумнинг хавфли ўсмалари бўлган болалар ва ўсмирлардаги организмнинг иммун статуси ва иммун қаршилик ҳолатлари таҳлил қилинган.

Бурун-ҳалқумнинг хавфли ўсмалари билан хасталанган беморларни шикоятлари таҳлил қилинганда ҳам умумий, ҳам махсус шикоятлар аниқланди. Бурун-ҳалқумнинг хавфли ўсмалари билан хасталанган беморларга хос бўлган махсус шикоятларга кўпроқ бош оғриши (100%), бурундан нафас олишнинг бузилишини турли даражада намоён бўлиши (69,3% дан 85%гача), шиллиқ ва йирингли ажратмалар (84,3%), ихороз ҳид (72,9%), қон қўшимчалари (92,1%) ва некротик масса (72,9%) бўлди. Бўйин соҳасида пальпация қилинадиган ўсма 86,4% беморларда учради. Умумий белгилардан энг кўп ҳолларда тана оғирлигини сезиларли йўқотилиши, бурун-ҳалқумнинг яллиғланишига хос бўлган субфебрил ҳарорат учради ($p < 0,001$).

Клиник маълумотларни нотўғри интерпритация қилиниши билан боғлиқ ҳолда фақат 24,3% ҳолатларда хавфли ўсма касаллигига шубҳа туғилди. 75,7% ҳолатларда бирламчи бўғин шифокорлари ҚБТ органларини шикастланиши ташхислаш муолажаларини нотўғри йўналтирдилар, болаларга хато ташхис қўйилди. Бунинг сабаби бўлиб, бурун-ҳалқумнинг хавфли ўсмасини клиник кўринишини сезилмаслиги, балким мазкур тоифа беморларни текшириш стандартларини бузилиши ҳисобланади.

Бурун-ҳалқум патологиясини таниб олишнинг асосий усули бўлиб, эндоскопик усул ҳисобланади. Бизлар томонимиздан бурун-ҳалқумнинг хавфли ўсмасини эндоскопик кўринишлари ўрганилди ва ушбу патология учун хос бўлган асосий мезонлар аниқланди. Бурун - ҳалқум типидagi нодифференциялашган саратонининг бирламчи хавфли ўсмаси материаллари таҳлиliga алоҳида эътибор қаратилди. 83 (59,3%) кузатишларда-аралаш шакл устунликка эга бўлади. Бурун ҳалқумнинг хавфли ўсмасини экзофит шакли 40 (28,6%) ва эндофит шакли 17 (12,1%) қайд этилди. Хавфли ўсма устини яраланиши 66 (47,1%) кузатишларда қайд этилди.

Ўсишнинг эндофит шаклида бурун-ҳалқум типидagi нодифференциялашган саратон устунликка эга (барча эндофит ўсманинг 96,3%) бўлади. Хавфли ўсма ўсишини экзофит шаклида саратонининг бошқа шакллари устунликка (15%) эга бўлади. Ўсишнинг аралаш шаклида бурун-ҳалқумнинг хавфли ўсмасини дифференцияланмаган шакли 72,7%ни ташкил этади. Шундай қилиб, бурун-ҳалқум туридаги дифференциялашмаган хавфли ўсма кўпроқ хавфли ўсманинг эндофит (96,3%) ва аралаш (72,7%) шакллари билан тавсифланади. Эндоскопик текширишнинг сезувчанлиги жуда юқори ($Sp=0,74$; $Se=0,97$), фақат битта ҳолатда эндоскопик кўринишни тўғри интерпритация қилишга қўшимча усул ёрдам беради, у хавфли ўсма чаноқ бўшлиғига чуқур инвазияси, яққол намоён бўлган маҳаллий яллиғланиш жараёни ва ўсамани бурун-ҳалқум бўшлиғига жуда оз бўртиб чиқиши ҳисобига юзага келади.

Эндоскопия вақтида аниқландики, 24 нафар (20,7%) беморларда шикастланган майдоннинг узунлиги 4 см, 62 нафарида (53,4%), 6 см гача, 30 нафар (25,9%) беморда эса ёриқ томонида шикастланишни 6 см дан узун бўлиши кузатилади.

Эндоскопияда олинган материални текширишда бурун-ҳалқум хавфли ўсмасини гистологик тасдиқланиши 100% кузатишларда амалга оширилади, цитологик эса - 78,8%. Морфологик тадқиқотнинг ҳар икки усулини бирга қўллаш 114 ҳолатда (81,4%) ташхисни ўрнатишга имкон берди ($\chi^2=5,277$, $p<0,001$). 18,6 % кузатишларда морфологик тадқиқотлар учун такрорий материал олиш талаб этилади.

Бурун-ҳалқум ҳавфли ўсмаларини ташхислашнинг энг самарали усули бўлиб компьютер томография ($Sp=0,91$; $Se=0,99$ $\chi^2 =4,265$, $p<0,001$) ва Ядро магнит томография ($Sp=0,95$; $Se=0,89$ $\chi^2=3,907$, $p<0,001$) си ҳисобланади. Бу усул нафақат патологик жараён мавжудлигини белгилайди, балки ҳавфли ўсманинг шакли, ўлчамлари, инвазия чуқурлиги, атрофдаги орган ва тўқималарга нисбатан муносабати тўғрисидаги аниқ тавсифни беради.

Ташхислашнинг санаб ўтилган усуллари алоҳида қўлланиши билан доим ҳам тўғри ташхис қўйиш мумкин эмас, бундан хатоликларни юқори кўрсаткичдан гувоҳлик беради. Ташхислаш усуллари таҳлили барча 140 нафар беморларда ўтказилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Бурун-ҳалқумнинг хавфли ўсмаси бўлган беморларда ўтказилган ташхислаш усуллари натижалари ва уларнинг сезувчанлиги (Se) ҳамда махсуслиги (Sp)

Тадқиқот усуллари	Натижалар			
	Мусбат	манфий	Se/ Sp	χ^2 * $p<0.001$
Физикал, n=140	39 27,9±3,8%	101 72,1±3,6%	0,44/0,51	2,107
Рентгенологик, n=140	104 74,3±3,6 %	36 25,7±3,5%	0,73/0,55	2,991
Риноскопия, n=140,	86 2,1±3,9%	53 37,9±3,9%	0,65/0,49	2,933
Бармоқ билан текшириш, n=140	51 36,4±4,1%	89 63,6±4,1%	63,6±4,1	3,001
КТ n=135	118 87,4±3,04%	17 12,6±2,7%	0,99/0,91	4,265
МРТ n=109	100 91,7±2,4%	9 8,3±2,1%	0,89/0,95	3,907
Эндоскопия n=140	137 97,9±1,1%	3 2,1±1,1%	0,97/0,74	3,201
Уч қайта биопсия n=140	140 (100%)	-	1/1	8,548/ $p<0,001$

*изоҳ – эркинликнинг 3 даражасида ишончли.

Бизлар томонимиздан болалардаги иммунитетнинг гуморал омилларини ҳолати баҳоланди. Асосий синф иммуноглобулинларини концентрацияси,

йирик ва майда катталиқдаги айланиб юрвчи иммунокомплексларининг миқдори кўриб чиқилди, улар патологик жараённинг оғирлиги, унинг ривожланишини ўрнатиш учун клиникада муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бурун-ҳалқумнинг хавфли ўсмаси бўлган болалар гуруҳида назорат гуруҳидаги белгилар билан солиштириш бўйича IgG концентрациясининг пасайиши кузатилади, бироқ, ишончли фарқлар аниқланади. Бурун-ҳалқумида хавфли ўсмаси бўлган болалар гуруҳида IgG зардоб даражаси ўртача $994,57 \pm 35$ мг%, ни ташкил этди, назорат гуруҳида - $1120 \pm 32,7$ мг% га тенг бўлди.

2-жадвал

Болалар ва ўсмирларда бурун-ҳалқумнинг хавфли ўсмасида иммунитетнинг гуморал ҳолати

Иммунологик параметрлар	Назорат гуруҳи (n=29)	БХХЎ бўлган беморлар (n=90)
IgG, мг%	$1120 \pm 32,7$	$994,57 \pm 35$
IgA, мг%	$120 \pm 6,3$	$147,3 \pm 28,8^*$
IgM, мг%	$115 \pm 1,3$	$94,11 \pm 1,4^*$
ЦИК 3%	$8,55 \pm 1,16$	$23,7 \pm 4,7^*$
ЦИК 4%	$14,22 \pm 0,82$	$42,70 \pm 6,2^*$

Изоҳ: * - назорат гуруҳи билан фарқлар ишончилиги $p < 0,05$

IgA миқдорининг таҳлили бемор болалар ва ўсмирлар қон зардобида IgA ишончли ортиши мавжудлигини аниқлашга имкон берди, у $147,3 \pm 28,8$ мг% ни назорат гуруҳида эса - $120 \pm 6,3$ мг% ($p < 0,05$) ташкил этди. Бундан келиб чиқадикки, бурун-ҳалқумида хавфли ўсмага эга бўлган болалар ва ўсмирларда иммунитетнинг гуморал бўғини мувозанатлашмаслик билан тавсифланади, у IgA зардоб концентрациясини ортиши ва IgG ҳамда IgM ни пасайиши билан намоён бўлади. Биз болалардаги иммунитетнинг гуморал омилларини ҳолати баҳоладик. Асосий синф иммуноглобулинларини концентрацияси, йирик ва майда каттликдаги айланиб юрвчи иммунокомплексларининг миқдори кўриб чиқилди, улар патологик жараённинг оғирлиги, унинг ривожланишини ўрнатиш учун клиникада муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бурун-ҳалқумнинг хавфли ўсмаси бўлган болалар гуруҳида назорат гуруҳидаги белгилар билан солиштириш бўйича IgG концентрациясининг пасайиши кузатилади, бироқ ишончли фарқлар аниқланади. Бурун ҳалқумида хавфли ўсмаси бўлган болалар гуруҳида IgG зардоб даражаси ўртача $994,57 \pm 35$ мг%, ни ташкил этди, назорат гуруҳида - $1120 \pm 32,7$ мг% га тенг бўлди.

IgA миқдорининг таҳлили бемор болалар ва ўсмирлар қон зардобида IgA ишончли ортиши мавжудлигини аниқлашга имкон берди, у $147,3 \pm 28,8$ мг% ни назорат гуруҳида эса - $120 \pm 6,3$ мг% ($p < 0,05$) ташкил этди. Бундан келиб чиқадикки, бурун-ҳалқумида хавфли ўсмага эга бўлган болалар ва ўсмирларда иммунитетнинг гуморал бўғини мувозанатлашмаслик билан тавсифланади, у

IgA зардоб концентрациясини ортиши ва IgG ҳамда IgM ни пасайиши билан намоён бўлади.

Бемор болалар гуруҳида ЦИК 3%нинг ўртача белгиларини (йирик катталар) ва 4% (майда катталар) ортиши кузатилади. Бунда ЦИКнинг барча белгилари назорат гуруҳи маълумотлари билан солиштириш бўйича бурун-ҳалқумнинг хавфли ўсмалари билан хасталанган болалар гуруҳида ишончли юқоридир. Демак, ЦИК даражаси назорат гуруҳи белгилари солиштириш бўйича 3,6 марта юқори, ЦИК 4% даражасида эса -3,8 марта юқори бўлади.

Бизлар томонимиздан бурун-ҳалқумнинг хавфли ўсмаси билан хасталанган болалар ва ўсмирларда мослашган иммунитетнинг ҳужайра харакатларини ҳолати ўрганилди.

4-жадвал

Бурун-ҳалқумида хавфли ўсмаси бўлган болалар ва ўсмирларда иммун статус кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Бурун-ҳалқумни хавфли ўсмаси	Меъёр
CD3+/Т-лимфоцитлар, %	74,3±1,7% *	68±5,6
CD20+/В-лимфоцитлар, %	24,0 ±1,4%*	18,4±0,6
CD4+/Т-хелперлар/индукторлар, %	34,7±2,1%*	40±4,4
CD8+/Т-цитотоксик лимфоцитлар, супрессорлар, %	27,0±0,3%*	24,3±3,6
CD16+/Табиий киллерлар, %	23,2 ±1,1%*	18,2±0,8
CD4/CD8 (ИРИ)	1,2*	1,7±0,24

Бурун-ҳалқумда хавфли ўсмаси бўлган беморларда иммун статусни баҳолашда ҳужайра иммунитетини пасайиши қайд этилади. Бизнинг тадқиқотларимиз кўрсатдики, ИРИ - 1,2±0,04 Т - ҳужайра иммунитетини тиклашни сақлаб қолганлигини кўрсатади, бу мазкур жараённи ортга қайтиши мумкин деб ҳисоблашга имкон беради, бунда нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллигини 61±1,7% ортиши юзага келади.

Бурун-ҳалқумда хавфли ўсмаси билан хасталанган беморларда Т-лимфоцитларнинг иммунофенотипини таҳлили, Т-лимфоцитларда CD3+экспрессиясини ва меъерий белгилари билан қиёслашда унинг мутлок белгиларини пасайишини кўрсатди ($p<0,05$).

Бурун-ҳалқумда хавфли ўсмаси аниқланган беморларда CD8+Т-цитотоксик лимфоцитлар миқдорини таҳлили меъерий кўрсаткичлар билан солиштирилганда CD8+Т-цитотоксик лимфоцитларининг нисбий миқдорини ишончли ортиши кузатилишини кўрсатди (беморларда 24±0,7%; меъёрда 5-20 ($p<0,05$)).

Шунингдек, CD4+Т-хелпер/индукторларини пасайиши аниқланди, бу эса бурун-ҳалқумнинг хавфли ўсмаси билан хасталанган болалар гуруҳида ИРИни пасайишига олиб келади, бу 1,2 ±0,04 ни ташкил этади ($p<0,05$).

CD20+B-лимфоцитлар миқдорини ўрганиш назорат гуруҳи белгилари билан солиштиришда асосий гуруҳ болаларида ишончли ортиш мавжудлигини аниқлашга имкон беради ($p < 0,05$). Демак, бурун-ҳалқумнинг хавфли ўсма билан хасталанган болаларда CD20+B-лимфоцитларнинг нисбий сони $23,0 \pm 1,4\%$ ни, назорат гуруҳида эса - $18,4 \pm 0,58\%$ ни ташкил этди. Мазкур ҳолатда бундай кўриниш иммунитетнинг хавфли ўсмага қарши стратегияси ва вирусли тажаввузларнинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бироқ Т-лимфоцитларнинг бундай шароитдаги протектив самарадорлиги чегаралангандир.

Меъёрий маълумотлар билан солиштирилганда бемор болалар ва ўсмирлардаги CD16+ ЕКК нинг нисбий сонини ишончли ортиши аниқланди. Демак, бемор болалар гуруҳида CD16+ ЕКК сони $23,2 \pm 1,1\%$ га тенг бўлса, соғлом болаларда бу кўрсаткич $18,2 \pm 0,8\%$ ни ташкил этди.

5-жадвал

Бурун-ҳалқумнинг хавфли ўсмаси бўлган болалар ва ўсмирларда иммун статус кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Бурун-ҳалқумнинг хавфли ўсмаси	Меъёр
CD38	$26,8 \pm 1,6\%$	$22,0 \pm 0,9\%$
CD95	$26,7 \pm 1,2$	$20,6 \pm 0,5\%$
CD25	$18,6 \pm 0,92\%$	$22,4 \pm 1,2\%$

